



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI SHO‘RCHI TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Sho‘rchi tumani, Mustaqillik ko‘chasi 72-uy. 191500 tel.: (+99876) 457-41-00, shurchi_t@exat.uz

20 21-y “ 26 ” yanvar

Қ-241 -son

Sho‘rchi t.

Шўрчи тумани “Боботоғ” СИУ ҳудудидаги туман захира ерларидан фуқаро Мелибоев Уткир Юсуповичга боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун узоқ муддатли ижарага ер ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.Ғаниевнинг 2020 йил 22-28 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддаси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-11-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан фуқаро Мелибоев Уткирнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 20 январдаги 30-сонли йиғилиш баённомасига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 20 январдаги 30-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Туманнинг “Боботоғ” СИУ ҳудудидан фуқаро Мелибоев Уткирга боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун туман захира ер фонди ҳисобидаги 6ба-контурдаги жами 35,0 гектар (шундан 35,0 гектар яйлов ер) ер майдонлари 49 йил муддат билан ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Х.Мамараимов)га фуқаро Мелибоев Уткирга узоқ муддатли ижарага ажратилган ер майдонини жойида чегараларини белгилаб бериш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш ва тегишли хўжаликлар ер ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

4. Янги ташкил этилаётган фермер хўжалиги бошлиғи Мелибоев Уткирга 10 кун муддат ичида Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика бўлими, туман Давлат хизматлари маркази, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлиmidан рўйхатдан ўтказиш ҳамда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари О.Шерназаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Худойбергенов

